

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.А.11.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ТЎХБОЕВА НИЛУФАР МАМАДИЁРОВА**

**МОВАРОУННАҲРДА ТЕМУРИЙЛАР МЕЪМОРИЙ МЕРОСИНИ  
ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЯНГИ АСПЕКТЛАРИ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.  
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on architecture**

<b>Тўхбоева Нилуфар Мамадиёровна</b> Мовароуннаҳрда темурийлар меъморий меросини тадқиқ этишнинг янги аспекти ..... 3	3
<b>Тухбоевой Нилуфар Мамадиёровна</b> Новые аспекты исследования архитектурного наследия темуридов в Маварауннахре ..... 23	23
<b>Tukhboeva Nilufar Mamadiyorovna</b> New aspects of the researching Architectural Heritage of Temurids in Mavaraunnahr..... 43	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works ..... 47	47

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.А.11.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ТЎХБОЕВА НИЛУФАР МАМАДИЁРОВА**

**МОВАРОУННАҲРДА ТЕМУРИЙЛАР МЕЪМОРИЙ МЕРОСИНИ  
ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЯНГИ АСПЕКТЛАРИ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.  
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/A25-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avto-ref.html>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маматмусаев Тохир Шайдулович**  
архитектура фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ширинов Темир**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Муҳамеджанов Қобулжон Хожимуродович**  
архитектура фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Камоллиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик  
ва дизайн институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.: +99871 237-11-37, факс: +99871 241-15-11. e-mail: devon@taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кучаси, 7-уй. Тел.: +99871 234-60-16.)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.А. Нозилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, арх.д., профессор

**О.М. Салимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби в.в.б, архитектура фанлари  
доктори, профессор

**Т.А. Ҳидоят**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, арх.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда тарихий шаҳарлар ва уларда жойлашган меъморий ёдгорликларини сақлаш ва қайта қуриш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада ЮНЕСКО ташаббуси билан 413 та қадимий шаҳарлар ҳудудида жойлашган Бутунжаҳон моддий маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилган 1007 та объектлардан 779 таси меъморий ёдгорликлар эканлиги диққатга сазовордир. БМТ, ЮНЕСКО, ICOMOS каби нуфузли ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир-Бутунжаҳон моддий ва номоддий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1972), тарихий шаҳарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро хартия (Вашингтон хартияси, 1987), обидаларни, иншоотлар гуруҳини ва диққатга сазовор жойларни рўйхатга олишнинг асосий қонун-қоидалари (2003), маданий мерос ҳисобланган тузилма, объект вайроналарининг атрофини сақлаб қолиш тўғрисидаги Сиан декларацияси (2005) каби халқаро ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги бу соҳанинг нақадар муҳимлигини кўрсатиб беради.

Жаҳон миқёсида тарихий ёдгорликлардан оқилона фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда меъморий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш, уларнинг умрбоқийлигини ошириш йўллари такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада ушбу соҳадаги меъморий ҳужжатларнинг тўлақонли шакллантирилмаганлиги, ўрта асрлар меъморчилиги ривожининг истиқболли йўналишлари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги тарихий ёдгорликларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш йўллари ривожлантириш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш соҳасида кўплаб муаммоларни юзага чиқармоқда. Жумладан, қадимий шаҳарлар барқарорлигини таъминлаш, меъморий обидаларнинг муҳофаза зонасини сақлаш, ёдгорликларнинг уч ўлчамли кўринишда электрон анимация моделини яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда архитектура ва қурилиш соҳасини янада такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Мамлакатимизни жадал ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида шаҳарсозлик ва меъморчилик, қурилиш таълими ва илмини янада такомиллаштириш, сўнгги йиллардаги қурилиш индустриясини инновацион ривожлантириш, меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. «Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади»<sup>1</sup>. Бу борада ўрта аср меъморий ёдгорликларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари янада такомиллаштириш, тарихий обидалардан мамлакатнинг сайёҳлик имкониятларини оширишда оқилона фойдаланиш долзарб вазифалардандир.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 16 январь 2017 й. -Б. 1.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 июлдаги ПҚ-200-сонли «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сонли «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилик санъатини ёритиб беришда ўрта аср тарихчиларидан Абдураззоқ Самарқандий<sup>2</sup>, Абу Тоҳирхўжа Самарқандий<sup>3</sup>, Ибн Арабшоҳ<sup>4</sup>, Низомиддин Шомий<sup>5</sup>, Заҳриддин Муҳаммад Бобур<sup>6</sup>, Шарафиддин Али Яздий<sup>7</sup>, Ғийасиддин Али Яздий<sup>8</sup>, Хондамир, Руи Гонзалес де Клавихо<sup>9</sup>лар ўз ҳиссаларини қўшган. Амир Темур ва Темурийлар меъморчилиги тарихи, типологияси ва безакларини тадқиқ қилишда Аҳмедов Б., Аҳмедов М.Қ.<sup>10</sup>, Асқаров Ш.Д.<sup>11</sup>, Алимов Ў.<sup>12</sup>, Бартольд В.В.<sup>13</sup>, Булатов М.С.<sup>14</sup>, Вяткин В.Л.<sup>15</sup>, Валихўжаев Б., Засипкин Б.Н.<sup>16</sup>, Зоҳидов П.Ш.<sup>17</sup>, Лавров В.А.<sup>18</sup>, Массон М. Е.<sup>19</sup>, Маньковская Л.Ю.<sup>20</sup>, Ўролов А.С.<sup>21</sup>, Маматмусаев Т.Ш.<sup>22</sup>, Нильсен В.А.<sup>23</sup>,

<sup>2</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн (Форс-тожик тилидан таржима кириш ва изоҳли лугатлар А.Ўринбоев)//Т., 1969, 154-бет.

<sup>3</sup> Абу Тоҳирхожа. Самария//Т., 1991 й. 16-17 бетлар.

<sup>4</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.1 китоб//Т.,1992 й. 86-бет.

<sup>5</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома.... 20-21-бет.

<sup>6</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома»// Т.,1989 й. 36-бет.

<sup>7</sup> Шарафуддин Али Яздий//«Зафарнома», 1994, 224-226-бетлар.

<sup>8</sup> Ғийасиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. //М.,1958.

<sup>9</sup> Руи Гонзалес де Клавихо.Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура (1403-1406)//М.,1990 й.136-бет.

<sup>10</sup> Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. //Т.: 1995 й. 46-бет.

<sup>11</sup> Асқаров. Ш. Д. Архитектура Темуридов. //Т., San at , 2009, 26-бет.

<sup>12</sup> Алимов.Ў. «Ўрта асрларда Мовароуннахрда боғчилик ҳўжалиги тарихи». // Т., 1984 й. 49-б.

<sup>13</sup> Бартольд д. В.В. О погребении Тимура. Записки восточного отделения русского археологического общества. т.23. Спб. 1915.

<sup>14</sup> Булатов М.С. Сады Темура и темуридов. «Маскан», 1993, №1.

<sup>15</sup> Вяткин В.Л. Материалы к исторической топографии Самаркандского вилайета, стр. 32

<sup>16</sup> Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии. -М.: 1928.

<sup>17</sup> Зоҳидов П.Ш.: Зеб ичра зийнат. Тошкент., 1985 й. 62-63-бетлар.

<sup>18</sup> Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. -М.: 1950.

<sup>19</sup> Массон. М.Е. Самаркандский мавзолей, известный под названием Ишратхана. //Т., 1958, с 14-17 бетлар.

<sup>20</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX в.). -Т.: 1980.

<sup>21</sup> Ўролов А., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият. -Самарқанд: 1996.

<sup>22</sup> Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улуғбек даври архитетураси. Т.: 2014.

<sup>23</sup> Нильсен В.А., Манакова В.Н. Архитектурный декор памятников Узбекистана. -Ленинград: 1974.

Нозилов Д.А.<sup>24</sup>, Пугаченкова Г.А.<sup>25</sup>, Плетнев И.Е.<sup>26</sup>, Ремпель Л.И.<sup>27</sup>, Рахимов К.Ж.<sup>28</sup>, Шишкин В. А.<sup>29</sup>, Салимов О.М.<sup>30</sup>, Шваб Ю.З, Ширинов Т.Ш.<sup>31</sup>, Юсупова М.А.<sup>32</sup>, Якубовский А.Ю.<sup>33</sup> ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Бироқ, Амир Темур ва сўнгги темурийлар даврида барпо этилган Хованд Султон бека мақбараси (Ишратхона), Самарқанд ва Шаҳрисабздаги Оқсарой бинолари, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуасидаги икки гумбазли Туман оқа мақбараси ва бошқа шаҳарларда қурилган баъзи иншоотлар тўғрисидаги собиқ тузум идеологияси асосида эълон қилинган маълумотларда кўплаб камчиликлар мавжуд бўлиб бу камчиликлар илмий асос талаб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Амир Темур ва темурийлар даврининг меъморий ёдгорликлари Самарқанддаги Хованд Султон бека мақбараси (Ишратхона), Оқсарой мақбараси, Шоҳи-Зинда мажмуасидаги икки гумбазли мақбара, Амир Темур мақбараси ва Шаҳрисабздаги Оқсарой обидаларига оид ноаниқликларни янги маълумотлар асосида бойитишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Амир Темур ва темурийлар меъморий мероси тарихини ўрганиш;

Самарқанддаги Хованд Султон бека мақбараси (Ишратхона), Оқсарой мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуасидаги икки гумбазли мақбара, Амир Темур мақбараси ва Шаҳрисабздаги Оқсарой ҳақидаги тарихий маълумотларни тўплаш, уларни синчиклаб ўрганиш ва таҳлил этиш;

Амир Темур ва темурийлар меросига оид чет эл ва Республикамиз олимлари, тадқиқотчиларининг фикр-мулоҳазаларини, хулосаларини ўрганиш ва илмий-тадқиқот ишларини танқидий таҳлил этиш;

ёдгорликларнинг меъморий тарихига оид ноаниқликларга аниқликлар киритиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш;

<sup>24</sup> Нозилов Д. Чорбоғ. –Т.: 1997.

<sup>25</sup> Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Главная редакция энциклопедий.// Т.,1996 г. 7-8 стр.

<sup>26</sup> Плетнев И.Е., Ю.З.Шваб. Формирование сложных архитектурных комплексов у мавзолеев Кусам-Ибн-Аббаса и Гур-Эмир/Материалы и исследования по истории и реставрации архитектурных памятников Узбекистана. Издательство художественной литературы им. Гафура Гуляма. //Т.,1967 г. 55 стр.

<sup>27</sup> Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары: Бухарские записи. -Т.: 1981.

<sup>28</sup> Рахимов К.Ж., Ўралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. Ўқув қўлланма.-Т.,2011.

<sup>29</sup> Шишкин В.А. Надписи в ансамбле Шахи-Зинда.// Зодчество Узбекистана, вып.П.Т.,1970.

<sup>30</sup> Салимов О. М. Сохранение и использование памятников Архитектуры Узбекистана. Монография. «Фан». Тошкент-2009.

<sup>31</sup> Ширинов Т. Ш., Бердимуродов А. Амир Темурнинг боғ-саройлари.-Самарқанд, 1996.

<sup>32</sup> Юсупова Д.Ю. Письма Гийас ад-Дина Каши к своему отцу из Самарканда в Кашан. // Из истории науки эпохи Улугбека. –Т.: 1979.

<sup>33</sup> Якубовский А.Ю. Образы старого Самарканда, стр. 156.

темурийлар меъморий меросига оид тарихий, археологик ва илмий маълумотларни қиёсий таҳлил этиш;

тўпланган маълумотлар асосида Амир Темур ва темурийлар меъморлигининг тарихи ва композицион ечимларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Амир Темур ва темурийлар даврида бунёд этилган меъморий обидалар-Самарқанддаги Хованд Султон бека мақбараси (Ишратхона), Оқсарой мақбараси, Шоҳи-Зинда мажмуасидаги икки гумбазли мақбара, Амир Темур мақбараси ва Шаҳрисабздаги Оқсарой ёдгорликлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Самарқанддаги Хованд Султон бека мақбараси (Ишратхона), Оқсарой мақбараси, Шоҳи-Зинда мажмуасидаги икки гумбазли мақбара, Амир Темур мақбараси ва Шаҳрисабздаги Оқсарой тарихига, уларнинг структуравий тузилишлари, меъморий-режавий ечимлари ва қонуниятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида статистик, қиёсий, тарихий манбалар, қўлёзма ва архив материаллари, меъморий обидалар лойиҳаларини таҳлил қилиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Амир Темур даврига мансуб кўплаб рубъа ва қитъа шаклидаги шаҳристон томонларининг меъморий уйғунлигига мос тарзда Шаҳрисабз тарихий шаҳри шаҳристонининг шимолий ва жанубий деворлари ҳозирги жойидан кўра каттароқ бўлганлиги аниқланган;

сўнги темурийлар даврида ярим вайрона ҳолга келган чорбоғлардаги кўшқлар қайта таъмирланиб мақбарага айлантирилиши чорбоғ таркибида мақбара қурилган мемориал композиция турини келтириб чиқарганлиги аниқланган;

Самарқанддаги Хованд Султон бека мақбараси (Ишратхона) тарихий обидасининг дастлаб Амир Темур томонидан Феруза боғининг кўшки сифатида бунёд этилганлиги, кейинчалик унинг Абу Саид томонидан мақбара сифатида кенгайтирилганлиги, шунингдек Шоҳи Зинда мажмуасидаги икки гумбазли мақбара дастлаб чорбоғнинг бир гумбазли кўшки сифатида бунёд этилганлиги, кейин унга гўрхона қурилиб мақбарага айлантирилганлиги асослаб берилган;

Шаҳрисабздаги Оқсарой мажмуасининг дастлабки қиёфаси юзасидан Руи Гонзалес Де Клавихо ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур маълумотларига асосланиб «бош дарвозадан ҳовлига» эмас, йўлакка кирилганлиги исботланган;

тарихий шаҳарсозлик базасида туризмни ривожлантиришга қаратилган Темурийлар даврига мансуб Шаҳрисабздаги Оқсарой ва Самарқанддаги Амир Темур мажмуалари илк архитектуравий кўринишларининг лойиҳавий таклифлари яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари Амир Темур ва темурийлар даври меъморий мероси тарихини илмий асосланган қўшимча маълумотлар билан янада бойитишга хизмат қилган;

илмий хулосалар манбашунослик, тарихшунослик, архитектурашунослик фанларини такомиллаштириш имконини берган;



тарихий ёдгорликларни сақлаш, қайта қуриш ва туризмни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган;

Амир Темур мақбараси ва Шахрисабздаги Оқсарой объектларининг дастлабки кўриниши юзасидан график моделлар ва анимацион материаллар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва экспериментал лойиҳа ишлари амалиётга жорий этилганлиги, Франция давлати ва Ўзбекистон элчихонаси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган «Соҳибқирон Амир Темур даври меъморчилиги» мавзусидаги халқаро конференцияда ижобий баҳоланганлиги ҳамда гувоҳнома олинганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг Республикадаги ваколатли ташкилотлар томонидан эътироф этилганлиги тўғрисидаги далолатномалар билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти архитектура соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга олий таълим муассасаларида архитектура ва шаҳарсозлик тарихи фанларини ўқитишда, меъморий лойиҳа ташкилотлари амалий фаолиятини самарали ташкил этишда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта қуриш амалиётида, ҳамда архитектура ва қурилиш ташкилотлари фаолиятида, олий таълим муассасаларида архитектура ва шаҳарсозлик тарихи фанларини ўқитишда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мовароуннаҳрда темурийлар меъморий меросини тадқиқ этишнинг янги аспекти мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Темурийлар даврига мансуб Шахрисабз шаҳари ўлчамлари ва ундаги Оқсарой ёдгорлиги бўйича олинган янгича илмий ёндошувлар Ф.1-86 рақамли «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Мажмуалар меъморлиги» деб номланган бўлимини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 89-03-1153-сон маълумотномаси). Илмий натижалар Амир Темур ва темурийлар меъморлиги тарихий асосларининг тикланишига ҳамда шаҳарсозлик анъаналарининг ўрганилаётган даврда янги тараққиёт босқичга кўтарилганлигини ёритишга имкон берган;

Самарқанддаги Ишратхона ёдгорлиги ва Амир Темур мақбараси тарихи бўйича топилган янги маълумотлар, шунингдек ёдгорликларнинг уч ўлчамли кўринишдаги электрон анимация моделлари Самарқанд ва Жиззах вилоятлараро минтақавий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси амалиётида фойдаланилган (Маданий

мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 01-01/905-сон маълумотномаси). Илмий янгиликлар Ўзбекистон Республикаси архитектура-шунослигини янги босқичга кўтаришга ҳамда туризм салоҳиятини оширишга имкон берган;

Шаҳрисабздаги Оқсарой ёдгорлигининг дастлабки кўриниши юзасидан янгича илмий ёндошувлар асосида яратилган уч ўлчамли кўринишдаги электрон анимация моделидан республикада электрон туризмни ривожлантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасининг [https://t.me/Uzbekistan\\_travel](https://t.me/Uzbekistan_travel) расмий канали). Илмий натижа тарихий ёдгорликнинг дастлаб қандай кўринишда бўлганлиги хусусида хулосалар чиқаришга ва мамлакатда электрон туризмни ривожлантиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Илмий конференцияларда 4 та, жумладан 2 та хорижий, 2 та республика тўпламларида нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши 2 та жилддан ташкил топган. I жилд матн қисми бўлиб, унинг ҳажми 156 бет: кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. II жилд альбом шаклида бўлиб, расм, режалар, схемалар, чизмалар, фотосуратлардан иборат. Тақдимот материаллари 42x59 см ўлчамли А2 форматдаги 36 та планшетларда тайёрланган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг 1-боби «**Амир Темур салтанати ва унинг меъморий мероси**» деб номланган бўлиб, унда Амир Темур ва темурийлар давлати энг мукаммал бошқарув аппаратига эга бўлганлиги ва у Ўзбекистон давлати шаклланишининг асосларини белгилаб берганлиги келтирилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган давлат бошқарув асослари қонунлар устувор бўлган ва фуқароларининг ҳимояси, тинчлиги, барқарорлиги таъминланган жамият асосларининг юзага келишига катта имкониятлар яратган, кейинчалик бу тизимдан кўплаб давлатлар андоза сифатида фойдаланган<sup>34</sup>.

<sup>34</sup> Шоҳиста Ўлжаева. Амир Темур ва темурийлар даврида//Тошкент. Ўзбекистон Фанлар академияси. «Фан» нашриёти.2005 й. 34-бет.

Амир Темур 1369-1370 йилларда Самарқанд шаҳрида фаолиятини бошлаган. Бу даврда Балх, Ҳирот ва бошқа кичик сиёсий марказлар ҳам илм-фан марказларига айлантирилган. Мирзо Улуғбек ва унинг илмий мактаби, Шоҳрух Мирзо, Бойсунғур Академияси ҳузурида шакллантирилган илмий муҳит ҳам Амир Темурнинг илм-фанга қўйган пойдеворининг маҳсулидир. Шунингдек, сўнги темурийлар даврида Ҳиротнинг гуллаб яшнаши ҳам Амир Темур бошлаб берган анъаналар асосида юзага келган эди.

Ҳусайн Бойқаро ва Мир Алишер Навоий каби буюк давлат арбобларининг саъй-ҳаракатлари катта таъсир кўрсатган бўлса-да, аммо бу муҳитнинг дастлабки пойдеворлари ҳам Амир Темур томонидан яратилган эди.

Илм-фан тараққиётидаги муҳим омиллардан бири-Амир Темур ва темурийлар давлатининг йирик салтанатда жойлашганлигидир. Бунда турли давлат чегарасида мавжуд бўладиган тўсиқлар олиб ташланган ва бошқа соҳалар қатори илму фан соҳасидаги жараёнлар ҳам кучайган. Йигирма етти давлатни бирлаштирган Амир Темур давлатида катта интеграция жараёнлари учун замин яратилган ҳамда илму фан тараққиёти юксак чўққига кўтарилган.

Амир Темур даври давлат бошқарув анъаналарига Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Байқаро, Бобур Мирзо ва бошқа темурий ҳукмдорлар амал қилиб келганлар ва айнан шу туфайли давлатни маълум давр мобайнида бошқаришга муваффақ бўлганлар. Амир Темур ва темурийлар даври давлат бошқарув асослари ўз даврининг барча жабҳаларини қамраб олган ва уларга монанд давлат бошқарув йўналишлари белгилаб олинган<sup>35</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган давлатнинг беқиёс аҳамияти шундаки, у беқиёс бунёдкорлик жараёнида муҳрланиб қолди. Амир Темур бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун азалдан мавжуд бўлган имкониятларни ва ўз тасарруфида бўлган мамлакатларнинг қўли гул усталари, меъморлари салоҳиятидан унумли фойдаланган. У бутун дунёдан моҳир меъморлар, олимлар, усталар ва бошқа илму фан, касбу-кор намоёндаларини ўз салтанатига йиғган. Самарқанд, Кеш (Шаҳрисабз), Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарларни қайта қуриб, у ерларда кўплаб иморатларни бунёд этган. У ҳаттоки Байлақон (Озарбайжон), Марв (Шимолий Хуросон), Ҳирот (Афғонистон), Маҳшад (Эрон), Дехли (Ҳиндистон) сингари ўзга юртларда ҳам бунёдкорлик фаолиятини олиб борган<sup>36</sup>.

Амир Темур даврида Самарқанд, Ҳирот, Шоҳрухия, Шаҳрисабз, Бухоро, Марв, Байлақон шаҳарлари қурилган ва ўзига хос «рубъа» ёки «қитъа» деб аталган тўртбурчакли шаҳристон композицияси яратилган. Ушбу композициянинг чорсу, регистон, арк, чақар ва даҳа сингари компонентлари бўлган<sup>37</sup>.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда меъморлик айна пайтда шаҳарларнинг умумий структураси шаклланиши билан баробар ривожланган.

<sup>35</sup> Аҳмедов Б. Амир Темур//Тошкент. Мерос. 1995 й. 587 бет.

<sup>36</sup> Омонулло Бўриев «Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё» (тарихий-географик лавҳалар). Тошкент. «Ўзбекистон» 1997 й.

<sup>37</sup> Аҳмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи//Т.: 1995.

Амир Темур даврида олд томони маҳобатли пештоқ ва гулдасталар билан, унинг композицион ўқида катта миёнсарой ва иккинчи зал жойлашган иморат композицияси яратилган. Бибиҳоним мадраса ва масжиди мисолида акс этган тўртбурчагида миноралари қурилган чорминор анъанаси юзага келган. Парчин ва кошинкорлик ўзини бадиий чўққисига етган. Чорбоғлар бунёд этиш мисолида ландшафт архитектураси ва умуман олганда шаҳарсозлик ўз йўналишини белгилаб олган.

Амир Темур даврида икки ёнида миноралар (ёки гулдасталар) тикланган улкан асосий пештоқ ва унинг ортида икки кетма-кет жойлашган (бири йирик, иккинчиси кичикроқ) гумбаз билан ёпилган иккита хонадан ташкил топган хонақоҳ-мақбара композициясига асос солинган (Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий, Шаҳрисабздаги Жаҳонгир мақбараси, Самарқанддаги Муҳаммад Султон мақбараси, Бухородаги Чашмаи Аюб ва Сайфиддин Боҳарзий, Тошкентдаги Қафқол Шоший, Занги Ота мақбаралари ва бошқалар).

Темурийлар даври анъанавий «Чорбоғ» услуги Ўрта Осиёда хонликлар даврида ҳам кенг қўлланилган<sup>38</sup>.

Умуман олганда Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ҳирот, Байлақон ва Марв шаҳарлари режаси рубъа ва қитъа тарзида, 4 қисмли қилиб бунёд этилган. Шаҳарларнинг бурж ва дарвозалари бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан қуршаб олинган. Ҳар қайси шаҳар ўзининг арки ва ҳисоридан ташкил топиб, унинг марказий қисми, кўчалар кесишган жойида ёпиқ савдо гумбазлари-чорсулар ажралиб турган.

Бухоро, Ҳирот, Марв, Шаҳрисабз, Байлақон ва бошқа шаҳарларнинг тўртбурчак тарзда шаклланганлиги, марказида чорсу номли бош савдо чорраҳалари, регистон майдонлари мавжудлиги темурийлар даври шаҳарсозлигида Ўрта Осиёда кўп асрлик меъморий анъаналарнинг давом этирилганлигидан далолат беради. Амир Темур ва темурийлар даврида чорбоғлар, сарой-кўшқлар композицияси ривожланган. Мирзо Улуғбек замонида мадрасасозлик равақ топган. Чорбоғлар композициясида ўрта асрлар тасавурида жаннат боғлари ғояси бош ўрин эгаллаган. Кўшқлар композицияси марказида гумбазли миёнсарой ва бурчакларида кичик хоналар жойлашган.

Диссертациянинг 2-боби «**Амир Темур ва темурийлар меъморий мероси тадқиқ этилиши таҳлили**» деб номланган бўлиб, унда темурийлар меъморий санъати юзасидан хорижлик олимлар, жумладан рус тарихчилари академик В.В. Бартольд, В. Череванский, А.Ю. Якубовский фикрлари келтирилган. Амир Темур ва темурийлар даврining ўрганилиши XX аср давомида мазмун жиҳатидан анча кенгайган. Профессор Ш.Ж. Асқаров ўзининг «Архитектура Темуридов» асарида «Темурийлар меъморчилиги собиқ совет даврида ўрганилган типологик тадқиқотлар, Ҳиндистон мисолидаги тарихшунослик ёки ғарбда тузилган каталоглардан анча мукамал ҳодиса ҳисобланади»-деб таъриф беради. Бу даврдаги тадқиқотларда кўпроқ темурийлар давлати сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва бошқарув тарихи билан бир қаторда, маданий ва

<sup>38</sup> Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. Ведущие тенденции и черты.//Т.: 1976.

меъморчилик ҳаёти ҳам ўрганилган<sup>39</sup>. Англиялик тадқиқотчи Хильда Хукхем Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихини ўрганишга катта эътибор қаратган<sup>40</sup>. Немис олими Ханс Роберт Ремер бир ишида Амир Темур тарихга жумладан, туркийлар, форслар ва араблар тарихига қизиққанлигини таъкидлаб ўтади. Америкалик математик олим Э. Кеннеди ўз ишида 1350-1500 йиллар оралиғида аниқ фанлар аҳволи ва ривожланиш тарихини таҳлил этган. Эронлик олим З. Сафа ўз ишида темурийлар даври адабиётини таҳлил этган<sup>41</sup>. Муаллиф бу давр адабиёти тўғрисида гапириб, Ҳусайн Байқаронинг Ҳиротдаги саройини темурийлар маданиятининг энг муҳим маркази деб атайди. Покистонлик Аҳмад Ҳасан Доний англиялик Хильда Хукхем сингари, узоқ вақтлардан бери Марказий Осиё халқлари тарихи билан шуғулланиб келади. Бу тадқиқотлар Амир Темур ва темурийлар меъморлиги умумтарихи учун бениҳоя муҳим ҳисобланиши билан бирга, Мовароуннаҳр меъморчилигининг XIV-XV асрлар тарихини тадқиқ этишда ҳам катта ўрин тутади.

Темурийлар салтанати тарихи ҳақида ўз давридаёқ бир қанча асарлар яратилгани бизга ёзма меросдан маълум. Мазкур манбаларда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти ва темурийлар меъморий санъати алоҳида таъкидлаб ўтилган. Амир Темур ўз замонасида нафақат Туронга, балки Ғарб ва Шарққа ҳам маърифат зиёсини сочди. Амир Темур ва темурийлар ҳақида ёзилган асарлар орқали, улар яратган меъморий мерос яратилиш тарихини очиб бериш билан бир қаторда ҳозирда ҳар хил баҳсли мунозараларга олиб келди.

Сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар Амир Темур ва темурийлар меъморий меросининг маҳаллий манбаларда тадқиқ этилганлигидаги баҳсли ўринлар ҳақида қуйидаги маълумотларни беради. Амир Темур мажмуасининг шаклланиш тарихи устида дастлаб 1908 йилда А.В. Шусев, кейинчалик В.Л. Вяткин, Б.П. Засипкин, Я.Ғ. Ғуломов, Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель ва бошқалар изланишлар олиб боришган. Бу маълумотларни умумлаштириш мақсадида архитектор И.Е. Плетнев бу соҳада диссертация тадқиқотларини олиб борган<sup>42</sup>. Мазкур тадқиқотчи мақбаранинг ғарб томонига туташтириб қурилган улкан равоқни XVII аср билан белгилайди. Айти пайтда шу муаллифнинг ўзи бу улкан иншоот полининг сатҳини XV аср иморатлари сатҳи билан тенг эканлигини ёзади. Натижада чалкашлик келиб чиқади.

Шу билан бир қаторда Амир Темур ансамблининг бош бинноси ҳисобланадиган мақбарага ғарб ва жануб тарафдан туташтириб қурилган, қурилиши тугалланмай қолган иншоотни идентификациялаш хусусида бир қанча қарама-қарши тасаввур ва фикрлар мавжуд. Шарафиддин али Яздийнинг «Зафарнома»си<sup>43</sup>, Клавихо кундаликлари, XVII аср муаллифлари Малихо ва

<sup>39</sup> Аскарлов Ш. Ж. Архитектура Темуридов.//Т.: Сан ат , 2009.

<sup>40</sup> Хукхем Х. Етти иклим султони.//Т.: 1995.

<sup>41</sup> Safa Z. Persian Literature in the Timurid and Turkmen periods/The Cambridge history of Iran, Vol. VI. P. 948-965 pages.

<sup>42</sup> Плетнев И.Е. Проблемы исследования и опыт реставрации архитектурного комплекса «Гур-Эмир»// Автореферат канд. дисс.//Л.:1969.

<sup>43</sup> Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома» (фотофаксимал нашр) Нашрга тайёрловчи, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А.Ўринбоев //Т.: 1972.

Мутрибий Ассам маълумотлари ва XX аср охирида шу ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлар мавжуд маълумотларни қайта кўриб чиқишни, уларни бир қадар тўлдиришни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда Самарқанд шаҳрининг шарқий қисмида Хованд Султон бека (Ишратхона) номи билан маълум бўлган иншоот хусусида М. Массон, Г. Пугаченкова, Л. Ремпель ва П.Ш. Зоҳидов ўртасида «бу бино қасрмиди ёки мақбарамиди» деган мавзудаги баҳс ўз поёнига етмай қолган<sup>44</sup>. Мақбара халқ орасида ва кўпгина манбаларда шу боғ кўшкни сифатида эътироф этилган. Бироқ унинг кўшкка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва бу иморат мақбара сифатида қурилган деган фикр ҳам мавжуд. Бу бино таърифида кўп китоблар ёзилган.

Шоҳи Зинда меъморий мажмуасидаги икки гумбазли бинонинг П.Ш. Зоҳидов томонидан мақбара сифатида фойдаланилганлиги исботланган бўлсада, унинг дастлаб қайси мақсадда қурилганлиги жумбоқ бўлиб келаётганлиги баён қилинади.

Самарқанддаги Оқсарой мақбараси (ҳозирги Амир Темур мажмуи яқинида) дастлаб кўшк ёки қаср сифатида қурилиб, кейинчалик мақбарага айлантирилган деган фикрлар мавжуд. Ушбу бино худди заргар кўлидан чиққандек ниҳоятда нозик ва нафис пардозланган. Тадқиқотчилар мазкур бинони темурийлар сулоласининг эркаклар мақбараси сифатида XV асрнинг иккинчи ярмида қурилган деб нотўғри талқин этган.

Тарихий манбаларга асосланиб, Самарқанддаги шоҳона кўшкни «шаҳзода Оқсаройи» деб атадик. Бобур энциклопедиясида «Қора (қаро) катта, улуғ» деб таърифланган, оқ эса унинг тескариси, яъни кичик деган маънони билдиради. Бинобарин, Самарқанддаги ва Шаҳрисабздаги Оқсаройларнинг кичик сарой эканлигини англаб олиш мумкин. Шу жиҳатдан «Кўксарой» асоси йирик саройни билдиради. Арқда Кўксарой, Амир Темурнинг валиаҳди-Муҳаммад Султон боғчасида эса Оқсарой, яъни кичик сарой жойлашган.

Шаҳрисабздаги Оқсаройни махсус адабиётда улкан, тўғри тўртбурчак шаклидаги иморат сифатида таърифлаш илмий адабиётда етарли асосларсиз тан олинган.

Шундай қилиб, Амир Темур мажмуасининг шаклланиш тарихи устида дастлаб 1908 йилда А.В. Шусев, кейин Б.Н. Засипкин, В.Л. Вяткин, В.В. Бартольд, кейинчалик Г.А. Пугаченкова, И.Е. Плетнев, Л.И. Ремпель, Я. Ғуломов, Қори-Ниёзий ва бошқалар изланишлар олиб боришган.

Амир Темур мақбарасининг бош биноти ҳисобланадиган мақбарага ғарб ва жануб тарафдан туташтириб қурилган, қурилиши тугалланмай қолган иншоотни идентификациялаш хусусида бир қанча қарама-қарши тасаввур ва фикрлар мавжуд. Сўнгги йилларда А. Аҳмедов, М. Аҳмедов, А. Бердимуродов ва бошқа олимлар олиб борган тадқиқотлар янгича маълумотларни беради.

Шарафиддин али Яздийнинг «Зафарнома»си, Клавиҳо кундаликлари, XVII аср муаллифлари Малиҳо ва Мутрибий Ассам маълумотлари ва XX аср охирида шу ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлар мавжуд

---

<sup>44</sup> Зоҳидов П.Ш. Зеб ичра зийнат. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1985 й. 62-63-бетлар. Г.А.Пугаченкова: И всё-таки- мавзолей. Строительство и архитектура Узбекистана, №12.//Т.: 1975.

маълумотларни қайта кўриб чиқишни, уларни бир қадар тўлдиришни тақозо қилади.

Шунингдек Самарқанд шаҳрининг шарқий қисмида Ишратхона номи билан маълум бўлган иншоот хусусида Г. Пугаченкова, Л. Ремпель, М. Массон ва П.Ш. Зоҳидов ўртасида юқорида айтилганидек «қасрмиди ёки мақбарамиди» деган мавзудаги баҳс ўз поёнига етмай қолган. Мақбара халқ орасида ва кўпгина манбаларда шу боғ кўшк сифатида эътироф этилади.

Самарқанддаги Оқсарой мақбараси дастлаб кўшк ёки қаср сифатида қурилиб, кейинчалик мақбарага айлантирилган деган фикрлар мавжуд. Шаҳрисабздаги Оқсаройни махсус адабиётда улкан, тўғри тўртбурчак шаклидаги иморат сифатида таърифлаш илмий адабиётда етарли асосларсиз тан олинган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Гўри Амир мақбараси қурилиши тўғрисидаги маълумот XX аср тадқиқотчилари томонидан нотўғри таржима ва талқин қилинган. Тадқиқотда ушбу муаммоларни маълум даражада бартараф этишга эришилди.

Диссертациянинг 3-боби «**Темурийлар меъморий меросини илмий ўрганишни танқидий тадқиқ этиш**» деб номланган бўлиб, унда Тошкент яқинидаги Занги Ота, Қафқол Шоший, Бухородаги Чашмаи Аюб, Ҳазрати Имом ва Сайфиддин Боҳарзий хонақоҳ-мақбаралари, Гавҳаршодбегим мақбараси, Самарқанддаги Шоҳи Зинда комплекси чилзиnasi ёнидаги кўшк гумбазли мақбара, Қорақўлдаги Ҳазрати Шибирғон Ота ҳамда Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий хонақоҳи олд томони икки буржли гулдаста ёки минорали тарз, унинг ортида бири улкан, иккинчиси кичикроқ гумбазли хона шаклидаги композиция Амир Темур хонақоҳсозлигида меъморий мактаб сифатида шаклланиши аниқланган.

Самарқандда сўнгги темурийлар даврида кўпгина олий иморатлар мақбарага айлантирилганлигини эътироф этиш мумкин. Боғи Дилкушо кўшк (Ишратхона), Туман оқа кўшк (Шоҳи Зиндадаги икки гумбазли бино), Оқсарой, Муҳаммад Султон мадрасаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Самарқанд шаҳрининг шарқий қисмида Хованд Султон бека мақбараси (Ишратхона) номи билан маълум бўлган мақбара дастлаб Боғи Дилкушо боғининг кўшк бўлган. 1409 йилда кўшкнинг ён тарафларида галереялар ва олд тарафига пештоқ қурилиб мақбарага айлантирилган<sup>45</sup>.

Самарқанддаги кичик Оқсарой Муҳаммад Султоннинг чорбоғидаги кўшк бўлган. 1464 йилда унинг шарқ томонида ғиштин айвон қурилиб мақбарага айлантирилганлиги асосланган.

Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси Марказий Осиёда темурийлар даври маданиятининг бетакрор дурдоналаридан ҳисобланади. Унинг шаклланиши ва меъморий тараққиёти ҳақида талайгина жумбоқлар мавжудлиги билан бирга сўнгги йилларда янги изланишлар ҳам юзага келган.

---

<sup>45</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, 293-бет. 294а, варақ.

Амир Темур 1378 йилда Самарқанднинг Оҳанин дарвозасидан ташқарида хотини Туман оқага бағишлаб Боғи Беҳишт чорбоғини бунёд этган ва у 1430 йилда энага ва унинг қизининг мақбарасига айлантирилган эди<sup>46</sup>.

Мирзо Улуғбек 1430 йилларда Шоҳи Зиндага жануб томондан кириш йўлагини ташкил қилиб, пештоқ, масжид, хонақоҳлардан иборат кириш гуруҳи иншоотларини курган. Қўшгумбазли бинонинг қўшқ қисми вайрон бўлганлиги учун уни қайта қуриб, зиёратхонага айлантирган ҳамда қирқ пиллапояли зинани бунёд эттирган<sup>47</sup>.

Гўри Амир номи билан машхур бўлган мажмуа пештоқли кириш, квадрат кўринишли ховли, чап томонда жойлашган мадраса қолдиқлари, ховлининг ғарбий томонидаги хонақоҳ пойдеворлари, жанубда жойлашган мақбара ва унга ёпишиб турган тугалланмай қолган бино қолдиқларидан иборат.

Амир Темур мақбараси ансамблининг бош биноси ҳисобланадиган мақбарага ғарб ва жануб тарафдан туташтириб қурилган, бироқ қурилиши тугалланмай қолган иншоотни идентификациялаш ҳамда Муҳаммад Султоннинг дафн қилиниши хусусида бир қанча қарама-қарши фикрлар мавжуд. Ҳаттоки баъзи бир илм ахиллари орасида тарихий-бадий адабиётлар, масалан, шоир Малихо маълумотларига асосланиб, бу мақбара Муҳаммад Султонга атаб эмас, балки Амир Темурнинг шу ерга дафн этилган пири, устози Мир Саид Баракага атаб қурилган, деган фикрлар ҳам мавжуд бўлган<sup>48</sup>.

Ушбу муаммо бўйича тадқиқотчи олимлар турлича маълумотлар берганлар. В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, П.Ш.Зоҳидов, М.Е.Массон, И.Е.Плетнев, Г.А.Пугаченкова, М.Саиджонов, Я.Ғ.Ғуломов. А.Бердимуродовлар мадраса ва хонақоҳ Муҳаммад Султон даврида, мақбара биноси эса Амир Темур буйруғига биноан бир гумбазли иншоот тарзида қўшимча тарзда қурилган, деб ҳисоблайдилар.

И.Е.Плетнев, Ю.З.Шваб ҳамда В.В.Бартольд Яздийнинг «Зафарнома»си таржимасидан фойдаланганликлари туфайли таржимон-В.В.Бартольд билан бир хил хулосага келишган<sup>49</sup>. Бизда Шарафиддин Али Яздий қўлёмаси шахсан буюк олим В.В.Бартольд томонидан амалга оширилган таржиманинг аниқлигига шубҳа уйғотди. В.В.Бартольд таржимаси: «...мадраса ёнига гумбазли мақбара қуришга фармон берилди; фармонга биноан хонақоҳ олдида жанубий суфага туташ, осмонсифат гумбаз тикланди...»<sup>50</sup>.

Бу ерда В.В.Бартольд икки марта гумбаз ҳақида сўз юритиб, уни ягона мақбара гумбази, деб ўйлаган. Лекин Клавихо китобидан маълум бўлишича, Амир Темур ўз набирасига бағишлаб бир гумбазли мақбара эмас, балки «масжид, уй ва мақбара» қуришларини амр этганлиги аниқланди.

<sup>46</sup> Вамбери.А. Путешествие по Средней Азии из Тегерана по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 г. с научной целью по поручению Венгерской академии в Пеште, членом её Вамбери.А. М.,1867. стр. 154-155

<sup>47</sup> Архитектура Республик Средней Азии. Сборник статей. Государственное издательство. Архитектуры и градостроительства. Москва 1951. 215-228 стр.

<sup>48</sup> И.Е. Плетнев, Ю.З.Шваб. К вопросу о погребениях в склепе под мавзолеем Гур-Эмир/Средняя Азия и ее соседи//древности и средневековье. М.: Наука, 1981, стр. 64 -67. См.:стр. 64.

<sup>49</sup> И.Е. Плетнев, Ю.З.Шваб. К вопросу о погребениях в склепе под мавзолеем Гур-Эмир/Средняя Азия и ее соседи//древности и средневековье. М.: Наука, 1981, стр. 64 -67. См.:стр. 64.

<sup>50</sup> В. В. Бартольд. О погребении Тимура / Собр. Соч.,т.II, ч. 2, М.: Наука, 1964, с 423-454. См :стр. 438.



Масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида Яздий маълумотларига диққат билан қаралса, гап иккита иморатга муттасил иккита гумбаз қурилиши ҳақида бораётганлигини англаш мумкин. Улардан биринчиси, мадрасага муттасил ва қабр (сардоба) устини ёпиш учун ва иккинчиси эса, хонақоҳниг тўридаги саҳнда, унинг жанубий суфасига муттасил қилиб фалаксимон кубба (гумбаз) тиклаш баён қилинган.

И.Е Плетнев чала қурилган иморат қурилишини янглишиб, «XV асрда бошланиб, XVII асрда озроқ давом эттирилган деб ёзади»<sup>51</sup>. Бироқ бу муаллифнинг пол саҳнлари, ғишт ўлчамлари ва бир қатори хулосаларида аниқлик етишмаслиги аниқланди.

Фикримизча, манбалар таҳлиliga кўра, XIV аср охирларида Самарқанднинг эски Чақар (гарнизон) худудида ер сотиб олиниб, Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақоҳи қурилган ва 1404 йилнинг март ойида Муҳаммад Султоннинг тобути Султониядан Самарқандга олиб келинган ва вақтинча мадрасанинг чап бурчагига кўмилган. Кейинчалик мадрасанинг бу хонаси темурийларнинг эркак авлодлари, ўнг бурчақдаги гумбазли хона эса аёл авлодлари даҳмасига айлантирилган. Амир Темур 1404 йилнинг июль ойида Муҳаммад Султон қабрини зиёрат қилишга келганида улкан ва маҳобатли иншоот тиклашни буюради<sup>52</sup>. Муҳаммад Султон мақбарасининг жанубий ва ғарбий қисмида жойлашган, аммо қуриб тугалланмаган иншоотни айнан Соҳибқирон қурдира бошлаганлигини кўрсатадиган бир нечта далиллар аниқланди.

